

Ушбу сонда:

2

### Савоб


Маълум бўлишича, у Анджоннинг Мархамат туманидан экан. Тошкентга ишга келган, лекин негандир охириги ишлаган жойидан хизмат ҳақини ололмабди. Ундан нега пулингизни бермадилар, деб сўрасан жавоб бергиси келмади.



3

### Қаерда ўқиган маъқул?

Гарвард университети хитойлик тадқиқотчилар томонидан 2007 йилда сайёрамизнинг энг яхши олийгоҳи деб топилган. Кучли бешликдан Стэнфорд, Калифорния, Кембриж университетлари ҳамда Масачусетс технология институтини ўрин олган.



4

### Китоб – миллий тафаккур онаси

Фарзандимиз цивилизация матоҳи – компьютерни бошқариб ўтирганидан кўра, Ойбекнинг «Навойи» романини ўқиётгани анчагина хайратли ва шов-шувлироқдир!



## HURRIYATга

обуна йил бўйи

давом этади.

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайси!

Нашр кўрсаткичи — 233

## Жараён

# Якдиллик

Республикамиз Президенти Исло Каримовнинг қўшма мажлисидаги маърузаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қизгин муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ўтган ҳафта бўлиб ўтган ялпи мажлиси Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги Президент Исло Каримов маърузаси муҳокамасига бағишланди.

Қизгин тус олган муҳокамада сўзга чиққан фракциялар вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор қилдилар.

Ушбу чиқишлардан қуйида келтирилган иқтибослар ҳам давлатимиз раҳбари томонидан қилинган дастурий маърузанинг аҳамияти, ундан келиб чиқадиغان вазибаларнинг салмоғидан далолат беради.


**Адхам ШОДМОНОВ (O'zLiDeP):** — Йил сайин юксалиб бораётган иқтисодий ўсish кўрсаткичларини халқаро молиявий ташкилотлар ҳам тан олмақда, халқимизнинг турмуш даражаси тобора ошаётганини, ишлаб чиқариш суръатлари жадал ўсётганини эса кўп йиллик машаққатли ишларнинг манфиқий натижасидан, мамлакатимиз иқтисодий тартибининг исчилик ва барқарор раванқидан далолат беради.

ишончини оқлаш, шунингдек, давлат ва жамият тараққиётига сиёсий партиялар салмоқли ҳисса қўшадиган давр, деб эътироф этишимиз керак. Чунки Президентимиз маърузада сиёсий партиялар учун дастуруламал бўладиган вазибаларни белгиллаб бердилар.

Энг муҳими, конституцион қонуннинг ҳозирданок битта нормаси ҳаётга жорий этилди, партия фракциялари парламентда қанча ўринга эга бўлишдан қатъи назар тенг ҳуқуқли имкониятлар яратилди. Фракция раҳбарлари парламент раҳбарияти сифатида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Олдимизда турган муҳим вазибалардан бири маърузада кўрсатилган йўналишларни, ҳулосаларни ҳисобга олган ҳолда ўзимиз масъуллигимиздаги қўмталар ишини яна бир бор кўриб чиқишимиз тақозо этади. Қонунчилик, назорат-таҳлил қараёнини яна бир бор кўриб чиқишимиз, уни янада бойитиб бугунги кун талабига жавоб берадиган ишларни амалга оширишимиз керак.

**Ахтам ТУРСУНОВ ("Fidokor"):** — Президентимиз ўз маърузаларида жамиятимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир субъектнинг олдида турган вазибаларни белгиллаб бердилар, жумладан сиёсий партияларнинг ҳам.

Истиқлол йилларида давлатимиз ташқи сиёсатида минтақамизда ва жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бош мақсадлардан бири



сифатида майдонга чиқди. Президентимизнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги ташаббуслари 2006 йил Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши билан яқунланди.

Истиқлол йилларида Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилган кенг миқёсли ислохотлар ҳақида гапирганимизда замонавий, профессионал миллий армиямизни вужудга келганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Хавфсизликнинг миллий концепциясига биноан мазмун-моҳият янги тамойиллар асосида қуроли қўлларни ташкил қилиш ва ислохот этиш дастури ишлаб чиқилди.

Айниқса, биз танлаган демократик тамойиллар ва минг йилликлар давомида шакланган миллий маънавий қадриятларимиз уйғунлигига асосланган тараққиёт йўлини ҳуш кўрмайдиган қўллар ҳамон борлиги, шовинистик хом хаёл билан яшаётган айрим «жаноблар» ҳануз

гача тинчимаётганини, нисбатан кичик мамлакатлар ва халқларга таъсир этишининг янгида янги воситалари, жумладан, молиявий ёки мафкуравий таъсир тобора кенгроқ қўлланаётганини кўриб, билиб турганимиз, бу масалага нечоғлиқ огоҳлик билан муносабатда бўлиш лозимлигини кўрсатмоқда.

**Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА (ЎзХДП):** — Маърузада айтилган ҳар бир фикр ва чуқур таҳлил давлатимиз тарихининг энг ёрқин са-

қус" темир йўли бунёд бўлгани, бу қурилиш жараёнларида 40 га яқин катта-кичик кўприклар вужудга келгани, "Нукус-Қўнғирот-Бейнау" автомобиль йўли ишга тушгани, Қўнғирот сода заводининг ишга тушиши ва янги Элобод шаҳарчаси гуллаб яшаётгани, Устюртда бунёд этилаётган газ-кимё мажмуаси, Султон Увайс тоғ тизмаси бағридаги Тебинбулоқ темир кони ишга тушиб кетишига бўлаётган эътибор, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда эришилаётган ютуқлар билан янада юксалади, камол топади.

Буларнинг барчасини қадим аجدодларнинг мардона руҳи қўллаб турибди. Биз эса ўз сайловчиларимиз ишончини оқлашда ўзимизга берилган ваколатлар катта масъулият эканлигини яхши тушунашимиз. Бу масъулият мамлакатимизда парламентаризмни ривожлантириш ва демократик ислохотларни чуқурлаштиришда ҳар биримизни янада ташаббускор, янада фидойи ва фаол бўлишга ундайди. Президентимиз маърузаси юртимиз ва халқимиз билан фахр-ифтихор қилиш, ҳар биримизни фидойи бўлишга ундовчи давваткор кучдир!

**Олимжон ЎСАРОВ (ЎзМТДП):** — Тан олишимиз керакики, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўламда амалга оширилган ислохотлар аллақачон ўз самарасини бера бошлади ва ана шу ислохотлар жараёнида жаҳон сиёсий-ҳуқуқий терминологиясида янги «Ўзбек модели» деган атама пайдо бўлди. Шуниси қувонарлики, ниҳоятда оқилона ўйланган маъзур моделнинг аҳамияти ва афзалликларини бугун дунёнинг йирик сиёсатчилари, олимлар, давлат ва жамоат арбоблари бот-бот эътироф этмоқдалар.

Дарҳақиқат, 16 йиллик босиб ўтилган мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташласак, давлат ва жамиятни ислох қилишда ўзбек моделининг ўзига хос хусусияти бўлган босқичма-босқичли тамойилига қатъий амал қилинганлигини кўрамыз. Бу сиёсий соҳада бўладими, иқтисодий-ижтимоий соҳадами ёки маънавий-маърифий соҳада бўладими, албатта, аққол кўзга ташланади.

Давоми 2-бетда.

## Дийдор

# "HURRIYAT" "Хуррият"га борди

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан мукофотланганлар сафида "Хуррият" маҳалласи раиси ҳам бор эди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига Назира опанинг номзоди қўйилганда эътироз билдирган баъзи бир маҳалладошлар ҳам бўлди. Ахир не-не юрагида ўти бор эркаклар турганида туманда туманинг энг катта, бунинг устига ижтимоий муаммолар фикр-ғиж бўлган маҳаллаларидан бирига аёл кишининг саркор бўлиши...

— Эплаб кетармикан? — истиқолага боришди иккиланганлар.

— Эплайди. Қийналиб қолса, мана маҳалладошлар маслаҳатга тайёр, буюкда ҳокимлик ҳам қараб турмас, — дея ишонч билдиришди кўнчилик.

Қўнғилдан кечган ана шу савол билан сайловдан кейинги дастлабки учрашувда туман ҳокимига ҳам мурожаат этди.

— Сизнинг ўттиз йиллик иш тажрибангиз, маҳаллакўй орасидаги ҳурмат-эътиборингизга ишонамиз, — далда берди туман ҳокими. — Аввал ўқувчиларингиз нуқул ёш болалардан иборат эди. Энди тасаввур қилингки, уларнинг орасида ўрта ёшлилар ҳам, кекса нурунийлар ҳам бор. Хуллас, бу ёғига бутун маҳалла сизнинг тарбияланувчиларингиз...

Раисликнинг дастлабки кунлариданоқ Назира опанинг билганлари шу бўлдики, маҳалла деганларни, бу — оддий фуқаронинг арзу ҳолини эшитадиган, нафақат эшитадиган, балки бу муаммоларнинг ечимини топиб беришда ишонган маслаҳатчиси, фарзанд ўз ота-онасига ишонгани каби маҳалладошларнинг суянадиган маскани экан. Яна билганлари шу бўлдики, ана шу ишончини оқлаш учун маҳалланинг раисидан ҳам, унга қанот бўлиб турган бошқа фаоллардан ҳам ота-онанинг ўз фарзандлари тарбияси олдида турган масъулиятдан ўн чандон-да оғирроқ, улканроқ масъулият талаб қилинарди.

Албатта, буларнинг бари бундан беш йил аввалги гаплар. Ўтган беш йил ораллиғида эса Назира Юсупова саркорлик қилаётган "Хуррият" деган маҳаллада нафақат кўмқўрғонликлар, балки вилоят ахли ҳавас қилгудек ишлар бўлиб ўтди. Ана шу ишларнинг аксарият қисми эса маҳалла аҳлининг турмуш маданиятини юксалтириш, ижтимоий муаммоларнинг бартараф этишига қаратилган эди.

— Ўша йиллари маҳалладаги энг асосий муаммо аҳолини табиий газ билан таъминлаш эди, — деб эслайди Назира опа. — Аксарият маҳалларимиз газлашгани ҳолда бизнинг маҳалламиздан бирорта хонадон ҳам бу табиий неъматдан баҳраманд эмасди-да. Туман ҳокимлиги билан баҳраманд муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилдик. Ўша йиллари халқаро ташкилотлардан бири "Маҳалла ҳаракатини сармоялаш дастури"ни эълон қилган эди. Биз ана шу дастур учун асосли қилиб лойиҳа тайёрладик. Дастурнинг дастлабки босқичида иштирок этиб 2,2 миллион сўмлик, иккинчи босқичда эса 4,4 миллион сўмлик грантни олиб, жами 1,5 км масофага газ қувурлари тортишга эришдик. Албатта, бутун маҳалла аҳолисини табиий газ билан таъминлашда бу маблағлар камлик қилишини билардик. Худди шу жойда халқимизнинг қадимдан қолган ҳашар удуми бизга қўл келди. Халқаро ташкилот кўмағидан руҳланган маҳалладошлар бир ёқадан бош чиқариб яна 0,7 км масофага қувур тортиш учун ўз ҳисобларидан икхтёрий маблағ тўплашди. Эндиликда маҳаллада истиқомат қилаётган 570 хонадоннинг 90 фоизи "зангори олов"дан баҳраманд бўлишарди.

Дарҳақиқат, тилга олаётганимиз "Хуррият" маҳалласи Термиз-Денов автоўлининг Қумқўрғон туман марказидан ўтувчи қисми ёқасида жойлашгани боис ўтган кетганининг шундоқ назарига тушиб туради. Ўзим ҳам гўвоҳ бўлганим, бир вақтлар катта йўлни қирғидаги маҳалла хонадонларини тўсиб турувчи хароба девор ва бинолардан ҳозирда даярли асар ҳам қолмабди. Маҳалла ҳудудини кесиб ўтган йўл атрофлари янада кўкаламзорлаштирилиб, янгидан ўтказилган мевали ва манзарали дарахтлар аллақачон бўй кўрсатишибди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг аҳолига сервис хизмати кўрсатишини янада яхшилашга қаратилган қарори ижросини таъминлаш мақсадида беш турдаги хизмат кўрсатиш нуқталари, бичиш-тиқиш цехи янгидан ташкил этилди. Бунинг эвазига маҳалла фуқароларидан 21 нафари доимий иш ўрнига эга бўлишган. Шунингдек, яна 66 миллион сўмлик хорижий грант асосида маҳалланинг тоза ичимлик сувиغا бўлган талабини қондириш, маҳалла ёшларидан ташкил этилган футбол ҳамда кураш жамоаларини вилоят даражасида ўтказилган мусобақаларда фахрли 1-2 ўринларни олиши, қишлоқ врачлик пунктида "Аёллар маслаҳатхонаси" очилиши ва бошқа ибратли ишлар айнан маҳалла раиси бошчилигида амалга оширилди.

Бу каби тadbирлар Республика-миз иқтисодий тартибининг ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўиши шубҳасиз.

МУХБИРИМИЗ

Давоми 2-бетда.

## Бурч

# Бола ҳуқуқи

Ҳар бир бола оилада тарбияланиши, ўз ота-онасини билиши, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга.



Боланинг ота-оналик ҳуқуқини чеклашга, ҳаттоки, умуман маҳрум қилиш чорасини қўллашга ҳам тўғри келади.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексидан назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга, деб эътироф этилса, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан, ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатла-

ри бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилганда, бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса мустақил равишда судга мурожаат қилиши ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганидан, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақида бола айна пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши шарт. Шундай маълумотларни олган васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриши шарт.

Узаро никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-оналар фарзандли бўлишса, ўн олти ёшга тўлишлари билан ота-оналик ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар. Вояга етмаган ота-она ўн олти ёшга етгунга қадар, болани вояга етмаган ота-она билан биргаликда тарбиялаш учун васий тайинлашни мумкин. Боланинг васийси билан вояга етмаган ота-она ўртасида келиб чиқадиغان келишим-чиликлар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

**Рустам КАСАНОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Фуқаролик ишлари бўйича  
Олий судининг бош мутахассиси





Дараклар

Оқ айиқлар хавф остида



Асримизнинг ўрталарига бориб, кутб айиқларининг учдан икки қисми йўқолиб кетиши мумкин. Бунга асосий сабаб, тадқиқотчиларнинг фикрича, ер юзидagi хароратнинг кўтарилиши оқибатида асрий музликларнинг эриб кетишидир.

АҚШ геологик тадқиқот жамияти баёнотида Шимолий Кутб муз тоғлари компьютерда тайёрланган тахминий чизмалардан кўра тезроқ эриб бораётганидан хавотир билдирилган. Агар вазият шу тахлит давом этадиган бўлса, оқ айиқларнинг йўқолиб кетиши хавфи янада ортиши мумкин.

Навбат Францияга

Франция миллий хавфсизлик котиби Франсис Делон хитойлик ҳақерлар ҳужумидан улар ҳам «бенасиб» қолмаганликларини билдириди.

Германия раҳбари Ангела Меркел 27 августда шунга ўхшаш бир воқеадан сўз очган, 4 сентябрда эса АҚШ миллий хавфсизлик котиби Роберт Гейтс ҳам ҳақерлар томонидан «зиёрат» қилинган эди.

Тахминларга қараганда, хуружлар Хитой армияси билан боғлиқ ҳақерлар тўдаси томонидан амалга оширилган бўлиши мумкин.

Папанинг даъвати



Папа Бенедикт XVI овураликларни худбинликка берилиб, фарзанд кўришни истамаётганликларини учун танқид қилди. Папа Овурада туғилиш нисбати камайиб бораётганидан ўз хавотирини билдириб, христианларни келажаги ҳақида ўйлаб кўришга чақирди.

Тинимсиз ёмғир ёғиб турганига қарамай йилгилан жамоатга хитоб қилган Бенедикт XVI абортни инсонийликка зид бўлган ҳаракат дея баҳолади. Фан-техника ютуқлари инсоният зиёни учун эмас, фойдаси учун қўлланиши кераклигини таъкидлади. Акс ҳолда тараққиёт инсоннинг ўзига катта хавф солиб қолиши мумкин, дейди у.

Бин Лодиннинг қайтиши

Ал-Қоида лидери Усама Бин Лодин 3 йиллик танфусдан кейин яна кўриниш берди.

Ал-Жазира телеҳизмати эфирга узатган 30 дақиқалик видео тасма 11 сентябр воқеаларига 6 йил тўлиши арафасида пайдо бўлиб қолиши кўпчиликнинг диққатини торди. Унда Бин Лодин АҚШ кучли кўринса-да, лекин аслида заиф эканини айтган. Фикри исботи учун у Қўшма Штатлардаги давлатни 19 нафар ёш йигитларга сола билди дейди. Американинг кундан кунга заифлашиб бораётганини ургурлар экан, Бин Лодин америкаликларни ислом динига киришга даъват этган.

Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади

Рейтинг

Қаерда ўқиган маъқул?

Энг яхши олий ўқув юртлари рўйхатида Гарвард университети биринчи ўринда турибди

Охириги йилларда халқаро миқёсда олий ўқув юртлари даражасини аниқловчи тадқиқотлар ўтказиш оммалашти. Ўтказилаётган рейтингларда сайёрамиздаги университет ва институтларга турли мезонлардан келиб чиқиб баҳо берилмоқда.

Хитойнинг Цзяо Тун университети 2003 йилдан буён дунёнинг энг яхши олий ўқув юртлари рўйхатини тузиб чиқади. Гарчи рейтинглар уюштириш Фарбада кенг тарқалган ва Хитой давлатига хос бўлмаган ҳодиса саналса-да, Цзяо Тун ўтказиётган тадқиқот натижалари илмий доираларда жиддий қабул қилинади. Жумладан, 2007 йилги тадқиқот ҳам кўпчиликнинг диққатини тортмоқда.

Гарвард университети хитойлик тадқиқотчилар томонидан 2007 йилда сайёрамизнинг энг яхши олийгоҳи деб топилган. 500 та олий ўқув юрти номи зикр қилинган рейтингнинг кучли бешлигидан Стэнфорд, Калифорния, Кембриж университетлари ҳамда Массачусетс технология институтини ўзини олган. Цзяо Тун тузган рўйхатга Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги олийгоҳларидан Москва давлат университети кирган. Ломоносов номидаги университет рейтингда 76-ўринни банд этган. Хитойлик тадқиқотчилар хулосасига кўра, Америка, Буюк Британия, Япония ва Германия энг нуфузли

да эътиборга олинади. Ушбу рўйхатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у олий ўқув юртларининг халқаро компьютер тармоғидаги фаолиятига асосланади. Яъни, олийгоҳларнинг веб-сайтлари, электрон кутубхоналар базаси, халқаро тармоққа киритилаётган дарслик, қўлланма ва бошқа илмий нашрлар



Гарвард университети

асосда тузилиши ўқувчини қизиқтириши табиий. Хитой университети олийгоҳларни ўринларга тақсимлашда таълим сифати (10 фоиз), педагог ходимлар касбий даражаси (40 фоиз), илмий тадқиқот кўрсаткичлари (40 фоиз) ва умумий рақамлар (10 фоиз) га эътибор қаратади.

«Вебометрикс» гуруҳи томонидан тузиладиган йиллик рейтинг ҳам катта илмий доираларда алоҳи-

да эътиборга олинади. Ушбу рўйхатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у олий ўқув юртларининг халқаро компьютер тармоғидаги фаолиятига асосланади. Яъни, олийгоҳларнинг веб-сайтлари, электрон кутубхоналар базаси, халқаро тармоққа киритилаётган дарслик, қўлланма ва бошқа илмий нашрлар

асосида 4000 та илм масканига баҳо берилади. «Вебометрикс»нинг яқиндагина эълон қилинган 2007 йилги рейтингда биринчи ўрин Стэнфорд университетига берилган. Иккинчи ўринни эса Массачусетс технология институтини эгаллаган. Шу тарихи Калифорния, Гарвард, Пенсильвания каби номдор университетлар нуфузли рейтингнинг олд ўринларини банд этган.


Абдул СОБИР

Йўқлов

«Бизларни тарк этди Холмуҳаммад Нур»

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Гапнинг индаллоси шулки, фидорли журналист, эл-юртга иқтисодий кўрсатиб меҳнат қилган закий инсон марҳум Холмуҳаммад Нуруллаевнинг «Армон» китобини кўзда шашқатор ёш билан мутолаа қилдим. У катта, олғали ва долғали ҳаётга журналистика орқали кириб келди. 1975 йил Самарқанд педагогика институтини битиргандан сўнг яхши кишиларнинг саяй-ҳаракати билан «Жиззах ҳақиқати» газетасига ишга ўтди. Бироз муддат кейин эса «Туркистон»да мусахҳиш, «Зарафшон»да муҳбир, бўлим мудир, масъул котиб ўринбосари, «Халқ сўзи»да Самарқанд вилоят муҳбири бўлиб ишлади. Вилоят газетасида муҳаррир ва ҳокимлик тизимда узоқ йиллар фаолият кўрсатди. Кейинги йилларда ўзи туғилиб, вояга етган Ургут туманида ҳокимлик лавозимидан сийқидилдан, фидойилик кўрсатиб виждонан ишлаётганди.



Холмуҳаммад Нуруллаев

«Армон» китобини кўзда шашқатор ёш билан мутолаа қилдим. У катта, олғали ва долғали ҳаётга журналистика орқали кириб келди. 1975 йил Самарқанд педагогика институтини битиргандан сўнг яхши кишиларнинг саяй-ҳаракати билан «Жиззах ҳақиқати» газетасига ишга ўтди. Бироз муддат кейин эса «Туркистон»да мусахҳиш, «Зарафшон»да муҳбир, бўлим мудир, масъул котиб ўринбосари, «Халқ сўзи»да Самарқанд вилоят муҳбири бўлиб ишлади. Вилоят газетасида муҳаррир ва ҳокимлик тизимда узоқ йиллар фаолият кўрсатди. Кейинги йилларда ўзи туғилиб, вояга етган Ургут туманида ҳокимлик лавозимидан сийқидилдан, фидойилик кўрсатиб виждонан ишлаётганди.

соли кунларимиз, омадимизни кўрганда дилимизимиз бўлгучиларимиз етарли. Жамшид эса бундай чоғда шеригингиз сифатида ҳушнуду хушхол бўлиб кўнгли равшан тортарди».

Иқтидорли журналист, катта қалб эгаси бўлган, халқпарвар раҳбар Холмуҳаммад Нуруллаев худди Жамшид Ашуровдек фоний дунёдан боқий дунёга бир тасодиф, фожиа туфайли эрта рихлат қилди. Улим аталмиш ёвуз куч олдида ожиз қолди. Жалолиддин Румий «Улимдан сўнг мени қаро ердан эмас, маърифатли инсонларнинг қалбидан изланг» деган. Закий инсон, ажойиб дўст, оилапарвар, халқ ва Ватанга садоқат ила меҳнат қилган Холмуҳаммад Нуруллаевнинг порлоқ хотирасини ҳали узоқ йиллар кўп бора эслаймиз. Шoir Исмаилов Иўлдошев ёзганидек:

Йилт этиб ўтади чақмоқдай умр,  
Тириклик олами  
бағишлар ҳузур,  
Билмабмиз, жон шунча  
омонат эрур,  
Бизларни тарк этди  
Холмуҳаммад Нур.  
Бир аччиқ изтироб  
ғижимлар кўксим,  
Юракни айрилиқ  
эзади сим-сим.  
Дийдор қияматга  
қолдимми, дўстим?  
Бизларни тарк этди  
Холмуҳаммад Нур.

Оксфорд замонавий цитаталар лугатидан

«Инсоннинг ҳаётда ўз принциплари учун кураши уллардан воз кечиб, ортаг чекиншидан энгилроқ.  
Альфред Адлер, австриялик психолог

«Масхарабоз нафақага чиққан пайтда у бошқалардан фарқ қилмайдиган паст бўйли амакига айланади.  
Эдди Аркаро, америкалик масхарабоз

«Баъзида ўзининг Чингизхонга дунё харитасини кўрсатган жуғрофия муаллимидек ҳис қиласан.  
Питер Джей, инглиз журналисти, собиқ дипломат

«Хар бир кечада одамларни икки тоифага бўлиш мумкин: уйга қайтишни хоҳлаётганлар ва хоҳламаётганлар. Фожиа шундаки, биринчи тоифа кўпинча иккинчи билан никоҳланган бўлади.

«Футбол оддий ўйин, 22 йигит 90 дақиқа давомидан тўпнинг ортдан югуради ва охир-оқибат немислар голиб чиқади.  
Гэри Линекер, инглиз футболчиси

«Мен косметика саноати қайси йўналишда кетаётганини ўрганиб чиқаман ва кейин унга қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаман.  
Анита Роддик, инглиз тadbirkor аёли

«Инсонни ниманидир тушунишга мажбурлаш қийин, қачонки унга ҳеч нарсани тушунмаслиги учун маош тўлашаётган пайтда.  
Эптон Синклер, Америка ёзувчиси

«Марксизм жуда ажойиб назария. Лекин уни инсондан кўра чумолиларга қўллаш яхшироқ.  
Эдвард О. Уилсон, америкалик социобиолог

Нашр

Саховат имондандир

«Хидоят» журналининг Рамазони шариф сони нашрдан чиқди. Куйида журналдан ўрин олган мақолалардан парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Исо (алайҳиссалом) ҳақида фильм**  
Буюк Британияда Исо (алайҳиссалом) ҳақида исломий таълимотга суяниб суратга олинган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Қуръони карим хабарига кўра, Исо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг ҳақ пайғамбаридир, баъзилар айтганидек, «Худонинг ўғли» эмас. У зот ўлмаган, Аллоҳ амри билан осмонга кўтарилган.  
РИА Новости

ливкина о мактабах Туркестана» в 1894г.).  
Аҳмад ТУРСУН

**Фотима Бинти Асад**  
Пайғамбаримизнинг оналари ва боболари вафот этишгач, амакилари Абу Толиб у зотни тарбиясига олади. Унинг аёли Фотима эса кичик Муҳаммадга у уйларига келганидан бошлаб меҳр-муруват ва шашқат кўрсатди. Ўз фарзандларидан ҳам кўра кўпроқ Муҳаммаднинг ўйлар, жону дилдан парвариш қилар эди.  
Нўмон АБДУЛМАЖИД тайёрлади

**Мўминнинг тили қалбида**  
Тилга эрк бериш мўминларга хос нарса

Зебинисо АБДУКОДИРОВА тайёрлади

«Ҳаёт учун таълим»га келинг

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Уларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмайди. Бундай муаммолар ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир. Жумладан, бу муаммо Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаган.

Ҳафиза БҮРОНОВА,  
«Янги авлод» медиа маркази ижодий ходими

Айтиш мумкин, ҳозирга келиб республикада юзлаб давлат ва нодавлат ташкилотлар кенг қўламадаги экологик тағлиқ таҳдидини барҳам топтириш учун фаолият олиб бормоқдалар. Шулардан бири дастлаб «Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт» жамоатчилик маркази қошида таълим соҳасида саломамлиқ, атроф-муҳитни муҳофизат қилиш масалалари билан шуғулланган ташаббускор гуруҳ сифатида, кейинчалик эса Европа Иттифоқининг Таълим-институционал қурилишидаги ҳамкорлик дастури доирасида иш бошлаган «Ҳаёт учун таълим» марказидир.

Тўғриси айтсам, марказга ташрифимнинг илк сониясида ноқ бугунги кун ёшлари бениҳоя тезкорлигининг, уларда атроф-муҳит ҳақидаги фикрлар алмашишуви, маълумотларни олиш ва уларни узатиш тезлиги биз тасаввур қилгандан ҳам кўра юқори даражада эканлигининг гувоҳи бўлдим.

— Ёш авлоднинг онгига муаммонинг жуда ҳам салбий ва ҳатарли томонларини лойиҳа доирасида экологик мавзуга доир семинар тренинглари, тадқиқотлар, тақдимотлар ўтказиш орқали сингдириб боришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди «Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт» жамоатчилик маркази ижрочи директори ва «Ҳаёт учун таълим» маркази лойиҳа бошқарувчиси Улугбек Раҳимов. — Маълумки, табиатнинг ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди. Бу жараён узоқ вақт давом этади, бошқача қилиб айтганда, экологик вазир аста-секин ёмонлаша боради. Бундай жараённи мураккаблаштириш учун биз биринчи навбатда инсоният онгига бу муаммо ечим доирасида



қабул қилинган қоидаларнинг ижросини таъминлашимиз даркор.

Марказда эса айнан ана шу муҳит вужудга келтирилган. Масалан, марказ доимий бепул хизмат кўрсатиш орқали ёшларга мунтазам семинар ва ўқув машғулотлари олиб бормоқда. Ва айнан бу муаммо бўйича бир неча лойиҳаларни, жумладан, Ўзбекистондаги Британия кенгаши билан «Сувга эътиёткорона муносабат мактаби», «Бир йилда 100 млн. литр сувни тежанг», «Экологик таълимдан барқарор ривожланиш учун таълимга» китобининг таржимаси ва адаптацияси, таъ-

лим телекўрсатуви лойиҳалари дастури: экологик таълим, экологик тоза шаҳар каби лойиҳалари фикримизга далил бўла олади.

Марказ жамиятимизда ўта шиддат билан ўсиб бораётган ёш авлодга тўғри йўл кўрсатувчи, уларни доимий қўллаб-қувватлаб турувчи, бирлаштирувчи ва энг асосийси, нафақат экология, балки ёшларимизда шахсий ва ҳаётий қўнимларнинг ривожланиши ва улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи даргоҳ бўлиб қолишига ишонч ҳосил қилдим.



Муносабат

Китоб — миллий тафаккур онаси

Китобот ҳақида қонун ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлмақда

Китоб — дунёда бебаҳо мулк, бойлик. Илм-фан ва баъдий ижод шиддат билан тараққий топгани сайин телевидение, аудио ва компьютер тезкорлик билан ривожлана-да, китобнинг аҳамияти, турмушдаги ўз ўрни ҳам ортса ортаптики, асло камаймаяпти.

Карим НОРМАТОВ, Наврўз БЕКМУРОДОВ

Бугун дунёда цивилизацияси жиҳатдан ҳаммадан ўзиб, олдинга ўтиб олган мамлакатларнинг маънавий-маданий ҳаёти билан танишгудек бўлсангиз, улар энг аввало илм-фанга, унинг манбаси — китобга ҳурмат-эҳтиром ила муносабатда бўлганлигининг гувоҳи бўласиз? Ҳа, китобни аждодларимиз «илм хазинаси» деб атаб келгани бежиз эмас. Ҳазрати китоб — энг улуг иззат-ҳурматга муносиб ашё, инсоният кашф этган мўъжиза-мулкдир. Шу боис ёшларимиз иқтидорини уйғотадиган, уларга касб-хўнаро ўргатадиган дарслик ва қўлланма китобларни қўлаб чоп этиш зарурати тобора ўсмоқда.

Китоб — дилга нур беради. Инсон эса ана шу нур билан инсон! Дил нурисиз одам боласи яшаши мумкинми? Йук, албатта. Дил нуридан инсон кўзи равшанлашади, оламини кўради, англайди, тўғри йўл ила бахт-саодат топади. Дарвоқе, Абдурахмон Жомийда шундай ҳикмат бор: «Дунёда китобдан ёқимлироқ дўст, ундан ортиқ ғамхўр йўк, унда юз роҳат бор-у ҳеч қачон озор йўк». Севимли ёзувчимиз Уткир Хошимов «Дафтар хошиясидаги битиклар»ида «Бир нарсани тушунамайсан: китоб ўқийдиганларда пул йўк. Пули кўплар китоб ўқимайди», деганда нақадар ҳақ! Шундайлар сирасига ҳеч иккиланмай айрим амаллар ва бюрократ мансабдорларни ҳам қўшган бўлардик. Демак, улар нурисиз, шуурисиз бўлиб қолади-ку?

Компьютерни ўзлаштириш, Интернетга кириш, веб-сайтлар очиш, ҳар бир кишининг шу мўъжизакор кутидида электрон почтага эга бўлиши, умуман, унчалик ваҳима қилмаган бўлар эдилар», дея марҳамат қилганлар. Дарҳақиқат, Рамазон баракот олибқелади. Қалблардаги раҳмоний туйғуларга ҳам баракот ёғилади. Рамазоннинг минг ойдан яхшироқ бўлган «Қадр» кечаси эса умрга баракот бағишлайди, яъни мазкур тунда бедорлар минг ойдан афзалроқ оқшомнинг савобини қозонадилар. Бу улуг имтиҳон, улуг имкондир.

Рамазон мавжли бир анҳорга ўхшайди, гўё. Унга шўнгиғаннинг бутун борлиги покляниб чиққай. Рухияти равшан, қалбларидаги гуноҳ губорлари ювилган, ахлоқиди тундан афзалроқ оқшомнинг савобини қозонадилар. Бу улуг имтиҳон, улуг имкондир.

Рамазон мавжли бир анҳорга ўхшайди, гўё. Унга шўнгиғаннинг бутун борлиги покляниб чиққай. Рухияти равшан, қалбларидаги гуноҳ губорлари ювилган, ахлоқиди тундан афзалроқ оқшомнинг савобини қозонадилар. Бу улуг имтиҳон, улуг имкондир.

Ун бир ойнинг султони барчамизга муборак бўлсин!

қай даражада бўляпти? Афсуски, аччиқ бўлса-да очик айтиш керак, хўжалик, туман, вилоят раҳбарлари орасида фикри-зикири фақат пахта майдони, ғалла ҳосили кўрсаткичи, чорва сони билан боғлиқ бўлиб қолаётганлар йўқ эмас. Донишмандлардан бири «Ҳақиқатни астойдил яхши кўрмасдан уни тан олиш мумкин эмас», деган эди. Мақсад кимнидир танкид қилиш эмас, раҳбарлар эътиборини мавжуд муаммоларга қаратишдир. Бу масаланинг биринчи томони. Биз маърифатли халқимиз, аждодларимиз ҳам ўз ҳисобларидан мадрасалар қурганлар, мактаблар, кироятхоналар очганлар. Бу миллий анъана, удумларимиз бугун ҳам уйғоқ! Мамлакатимизда бугун ҳам саховатпеша инсонлар оз эмас. Улар ёрдамида жойларда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бизнингча, кутубхона қурган одам фақат савобга қолади, эл-юрт раҳматига сазовор бўлади.


Кутубхоналар миллий ғоя ва мафқуранинг тарғибот бешиги, халққа маърифат йўлини кўрсатувчи зийе масканидир. Бугун китоб сотиб олишга, даврий нашрларга обуна бўлишга ҳаммамизнинг имкониёти тўғри келмаслиги мумкин. Шундай ҳолатда ўқувчи кутубхонага мурожаат қилади, газета таҳриратларини варақлайди. Одамларни, болаларни шундай имкониятдан бебахра қилишни нима деб аташ мумкин? Дени Дидро «Ким китоб ўқишдан тўхтаса, билинми, у фикрлардан ҳам тўхтаган бўлади», деган эди. Дарҳақиқат, биз дунё, унинг ўтмиши ва келажиги, жамият тараққиёти, табиат ва инсон муносабатлари тўғрисидаги жамики билганларимиз, онг-шууримизга сингган билимлар учун китоблардан миннатдор бўлишимиз керак.

Яхши китоб бизга олам ва одамни идрок этишга, инсон ҳаётининг мураккаб чорраҳаларида тўғри йўл ва ечимларни топишга, ўзликни англашга ёрдам беради. Китобга ошнолик — эзгуликка ошноликдир. Бугун китоб ва китобхонлик мавзуси маълум баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб турибди. Ўқийдиган яхши китоблар йўқ, маза-матрасиз нашрлар кўпайиб кетди, дея китобхонликдан узоқлашиб бораётганлар ҳам, ўқийман деган одамга ўқиладиган нарсасиз муносабатда бўлиб қолмоқда. Масалан, китоб боби, рисола параграфидан консепт ёзишда муносабатга уюштириш — ким мазмунини қай даражада очиб берди, қанча варақ ёзди, хусниҳати чиройлими, саводхонлиги — танлов шартлари бўлиб, голибларга китоб совға қилиш билан китобга бўлган меҳр-мурувватни ошириш керак.

Тўғри, нашриётларда чоп қилинган китоблар ҳақида ОАВда эълонлар берилиб борилади. Бироқ тўлиқ маълумот ололмаймиз! Боиси, унинг қисқача мазмуни, энг «зўр жойи» қайд этилмайди. Ваҳоланки, парчалар бериб бориш, гоёвий йўналишларини тарғиб қилиш керак, албатта. Махсус газета — «Китоблар дунёси» ҳамми 3-4 барабар кўпайтирилиб, китоблардан қизиқарли парчалар чоп қилинса, айни муддао бўлар эди. Ва айни пайтда телевидениенинг махсус кўрсатуви орқали китоблар оламини мунтазам, муайян вақтда бериб бориш зарурати аллақачон етилган, деб ўйлаймиз.

Адабиётларни жанрлар (типлар)га бўлиб тарғиб қилиш, уларнинг миллий маънавийатимизда тўтган ўрнини алоҳида таъкидлаш, айниқса, ижтимоий-сиёсий асарларга мунтазам равишда фуқаролар эътиборини қаратиш, туб ўтиш даври ривожини баътафсил ифода қилиш ҳозирги кун талаби бўлиб қолмоқда.

Нега китоб ўқимайди, ўқиса ҳам «сарик адабиётларни ўқийди, деган гапларга чек қўйиш учун китобга мафқуравий ғоя ва маънавий бойлигимиз манбаи сифатида қаршимиз лозим, яъни баркамол бўла боришимизда китоб бетақдор тафаккур озиғи, меваси эканлигини бир зум ҳам унутмайлик!



Китоб ўқишни мажбурлаб бўладими? Бу ҳам ўзига хос муаммо! Оиладан бошланиб, таълим тизимида ва мустақил давом этадиган бу жараёнда жиддий мулоҳаза қилиб, ҳар хил услублар, танловларни қўллаш шарт, деб ўйлаймиз. Масалан, китоб боби, рисола параграфидан консепт ёзишда муносабатга уюштириш — ким мазмунини қай даражада очиб берди, қанча варақ ёзди, хусниҳати чиройлими, саводхонлиги — танлов шартлари бўлиб, голибларга китоб совға қилиш билан китобга бўлган меҳр-мурувватни ошириш керак.

Тўғри, нашриётларда чоп қилинган китоблар ҳақида ОАВда эълонлар берилиб борилади. Бироқ тўлиқ маълумот ололмаймиз! Боиси, унинг қисқача мазмуни, энг «зўр жойи» қайд этилмайди. Ваҳоланки, парчалар бериб бориш, гоёвий йўналишларини тарғиб қилиш керак, албатта. Махсус газета — «Китоблар дунёси» ҳамми 3-4 барабар кўпайтирилиб, китоблардан қизиқарли парчалар чоп қилинса, айни муддао бўлар эди. Ва айни пайтда телевидениенинг махсус кўрсатуви орқали китоблар оламини мунтазам, муайян вақтда бериб бориш зарурати аллақачон етилган, деб ўйлаймиз.

Адабиётларни жанрлар (типлар)га бўлиб тарғиб қилиш, уларнинг миллий маънавийатимизда тўтган ўрнини алоҳида таъкидлаш, айниқса, ижтимоий-сиёсий асарларга мунтазам равишда фуқаролар эътиборини қаратиш, туб ўтиш даври ривожини баътафсил ифода қилиш ҳозирги кун талаби бўлиб қолмоқда.

Нега китоб ўқимайди, ўқиса ҳам «сарик адабиётларни ўқийди, деган гапларга чек қўйиш учун китобга мафқуравий ғоя ва маънавий бойлигимиз манбаи сифатида қаршимиз лозим, яъни баркамол бўла боришимизда китоб бетақдор тафаккур озиғи, меваси эканлигини бир зум ҳам унутмайлик!

Танишув

Қизлар илҳоми

Ки солмиш боғ аро даврон зумурад Навоий

Найсонлар зумурад, насийм зумурад, Исмингиз зумурад, иссим зумурад. Хуш, хушбўй гуллаюр кўнгул боғлари, Меҳрингиз зумурад, меҳрим зумурад.

Ёмғирлар зумурад, ёвшан зумурад, Муҳаббат кўзларда равшан, зумурад. Фаюрлар йиғлаюр, ғамлар йиғлаюр — Рухи ризвоним гул, гулшан, зумурад!

Хушвақтмиз, хушбахтмиз, тахтдир зумурад, Беҳиштлардан бир ис — бахтдир, зумурад. Тошларга бош уриб қуйлаюр дарё: Сизга оқ толедан Тақдир, зумурад!

Қаранг, қулиб турган Офтоб зумурад, Шуъла зийнатлаган Моҳтоб зумурад! Учмаюр, митти қуш — жоним, учмаюр... Аё гирдо-гирдим — Кўҳи Қоф зумурад!

Саъдина БОБОМУРОДОВА



Йиғлади — Таним ҳам нотаниш. Пургам дунё-мизда битта ишқ. Маконсиз, йўлларсиз сизга етаман.

Сигмади, Дил ишққа ёғдуваш. Яна қайтар содиқ итдай хотира, Исмсиз кимсани ойлаб кутаман.

Кун келар, Бир кунни талбаваш Шу бошим сизгамаган дунёда Кўксимга барини жойлаб кетаман. Кетаман... Кетаман... Кетаман...



Бир туп гул ичида бор эди гунча, Кўзга ташланмас бир оддий гулча. Уни меҳр билан бир сахий боғбон Парвариш қилди то очилгунча.

Хилола ИСЛОМОВА

Оила — кичик кўрғон, Яшаймиз аҳил-иноқ. Отам, онам ва укам Сингилчам ҳам шўх, қувноқ. Онам жуда меҳрибон, Отамлар мисли тоғдай. Укам билан сингилчам Ўсаётган ниҳолдай. Менинг митти оилам Гўзал боғу бўстондир. Билсангиз, ахир у ҳам Битта Ўзбекистондир.

Болаликнинг содда кўчаларидан Илк бор ҳажонга тўлганди қалбим. Онамдай бағрига чорлаган эди Менинг қадрдоним, азиз мактабим. Жумбоқлар, саволлар дуч келар эди, Гоҳ етиб, гоҳида етмасди ақлим... Шунда кўмақдошим сиз бўлардингиз, Сизга минг бор таъзим, азиз муаллим!

Муборак ЭЛОМОНОВА Чилонзор тумани 131-мактаб ўқувчиси

Арафа

Сабр ва покляниш оий

“Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз” (Бақара сураси, 183-оят).

Имом Насафийнинг “Мадорик ат-Танзил” асарида мазкур оят тафсир қилиниб, Одам алайҳиссаломдан то сизнинг даврингизгача бўлган пайғамбарларга ва халқларга (рўза) фарз қилинди, дея ёзилган. Рўза лўғатда — “савм” яъни мутлоқ ўзини тийиб туриш демақдир. Бу улкан имтиҳондир. Нафақат еб-ичмокдан, балки ғазаб, ёлгон, ғийбат ва ҳоказо ислом маданиятига зид феъл-атворлардан ҳам ўзини тиймақдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида: “Агар умматларим Рамазон оийнини улар учун қанчалик шарофатли ва барокатли эканини яхши билганларида эди, фақатгина шу бир ойда эмас, балки йилнинг бошқа ойларида ҳам рўза бўлишни орзу қилган бўлар эдилар”, дея марҳамат қилганлар.

Зебинисо ИСРОИЛ қизи

“Кимки Рамазон ойида рўзанинг фарзлигига ишонган ва Аллоҳ таолонинг розилигини истаган ҳолда рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади”. (Ҳадиси шарифдан)



Навоий вилояти “Навбахор” пахта тозалаш заводи жамоаси Ўзбекистон халқини Рамазони шариф билан муборакбод этади!

Ўзбекнинг гапи қизиқ

Маъноси йўқ гапдан, донаси кўп чўп яхши. (Таъмағир ҳаёли) Сочлари белга тушади, бел бўлса, бир қилча йўқ... (Кўшиқдан) Алкаш радиодан дилкаш тарона... (Ичкиликбоз тингловчи сўзи) Ичимизда кимдир касалланиб қолса, унинг уйига биринчи бўлиб ўқитувчи боради. (Маҳалладошлар суҳбатидан) Дарвозанинг қулоғи хурсандчиликка чек қўйди. (Ўзаро суҳбатдан) Баъзи бир асарлардан маълум бўляптики, баъзи ёзувчиларимиз ҳали ҳам ҳаётнинг баъзи бир қирраларига баъзан чуқурроқ кириб бормаяптилар. (Мунаққид таъкиди) Холиқвой акамнинг бульдозери милтиқнинг ўқидек уцади. (Лаганбардор сўзи) Даволаниши керак бўлган болаларнинг барчаси даволанишяпти. (Ахборотдан) Келажак авлод келажигини ўйлаб ҳозиргача мингдан ортиқ болаларни операция қилишга эришдик. (Туман шифохонаси бошлиғи ҳисобитидан) Хусанбой ТОЖИМАТОВ

HURRIYAT logo and address information: Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Баш муҳаррир вазифининг бажарувчиси: Исмаил ХУДОЁРОВ. Таҳрир хайъати: Хуршид ДЎСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 135-39-01. Тел: 142-49-91, 142-52-72. Индекс: Яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ. Топшириш вақти — 20.00 Топширилди — 20.30. Буюртма — Г-854 Т: 2266 2 3 4 5 6